

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 30 январь • № 4 (1025)

ЯНГИ ҚОНУН ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Эътироф этиш жоизки, 2014 йилнинг 3 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг имзоланиши эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонуннинг жойлардаги ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиб, чуқур таҳлил қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ҳам мазкур қонун тарғиботи бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов кириш сўзи

билан очиб, мазкур қонуннинг қабул қилинишидаги ўзига хос жиҳатлар ва унинг инсон манфаатлари учун хизмат қилиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

Сўнгра, Соғлиқни сақлаш вазирлигида янги ташкил этилган ахборот таҳлил маркази бошлиғи Д. Матрасулов амалиётга жорий этилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида тўхталиб, тегишли моддаларга таҳлилий шарҳ бериб ўтди.

Маърузачи қонуннинг айрим моддаларига изоҳ берар экан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида ҳар бир шахс мустақил ўзи ёки бошқа шахслар орқали, улар билан бирга ваколатли давлат органлари ва муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб берилган. Мазкур мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби амалдаги қонун ҳужжатлари билан амалга оширилади, деб кўрсатилган. Демак, мазкур қонун ишлаб чиқилганлиги давлат аҳамиятига моликдир.

Шунингдек, ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва



муассасаларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги ушбу йиғилишда яна бир қарра қайд этилди.

Шу билан бирга, маърузачи мурожаат этиш ҳуқуқи ва шакллари хусусида сўз борар экан, бунда жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги ва бу

ихтиёрий амалга оширилиши, ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмаслигига эътибор қаратилиб, жисмоний шахс ўзи, ишончли вакили, адвокати орқали мурожаат этиши, юридик шахс номидан унинг раҳбари ёки ишончнома орқали

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция дастури амалда

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, даволаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Марказ 375 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ўн тўрт бўлим ҳамда икки юз қатновга эга маслаҳат поликлиникаси фаолият юритмоқда, – дейди кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Эндирбой Абдуллаев. – Юз нафар малакали шифокор, 255 нафар ўрта бўғин тиббиёт



ХАЛҚИМИЗ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Навоий шаҳрида вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

– Қарийб 8 миллиард сўм эвазига реконструкция қилинган марказимиз энг сўнгги тиббий жиҳозлар билан таъминланди, – дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Бахтиёр Бозоров. – Хусусан, бўлимларга замонавий тиббий текширув аппаратлари ва бошқа ускуналар ўрнатилди.

Айни кунларда марказнинг маслаҳат поликлиникаси, терапия бўлими ишлаб турибди. Тез кунларда жарроҳлик бўлими фойдаланишга топширилади.

Н. РАҲИМОВ, (ЎЗА).

ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

ходими аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётир. Шифокорларнинг янада самарали ишлаши учун яратилаётган кенг шароит ва имкониятлардан аҳоли ҳам мамнун. Ўтган йилнинг ўзида марказимиз 1 миллиард сўмлик-

дан зиёд тиббиёт жиҳозлари, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан таъминланди. Энг замонавий, компьютерлаштирилган ташхис қўйиш ускуналаридан фойдаланаётганимиз даволаш ишларининг янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Марказ фаолиятини янада яхшилаш мақсадида клиник диагностика лабораторияси, маслаҳат поликлиникаси, ошқозон-ичак касалликлари бўлими учун уч қаватли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. “Инвестстрой Нукус” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган бино қурилишига 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шифо масканида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг иккинчи босқичида 165 нафар бемор даволанадиган жарроҳлик бўлимининг янги биносини барпо этиш режалаштирилган.

А. ОРТИҚБОЕВ.
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган сурат. (ЎЗА).



Обуна – 2015

Хурматли муштарийлар!

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!



Нашр индекси: 128.

ЯНГИ ҚОНУН ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

ана шундай муурожаат этиш ҳуқуқига эга шахс муурожаат қилиши, муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкинлигини, муурожаат бошқа шахсларнинг ҳуқуқ, манфаат ва эркинликларини, давлат манфаатларини бузмаслиги муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Маърузачи Д. Матрасулов қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири, муурожаатларнинг турларига ҳам алоҳида шарҳ берди.

Муурожаатлар хусусан, ариза, тақлиф ва шикоят тарзида амалга оширилишини айтиб, қуйидаги атамаларни изоҳлаб берди:

Ариза – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган муурожаат.

Тақлиф – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган муурожаат.

Шикоят – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган муурожаат. Муурожаатлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, муурожаатларга қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат эканлиги алоҳида баён қилинди.

Унга кўра, жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, муурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва муурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма муурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки муурожаат этувчи юридик шахс раҳ-

(Давоми. Боши 1-бетда).

барининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Электрон муурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа рекевизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши керак. Электрон муурожаат қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши зарур. ОАВ орқали ҳам муурожаат этилади.

Юқоридаги талабларга жавоб бермаган ҳолда тақдим этилган муурожаатлар аноним ҳисобланади. Ваколатли шахс имзолаган бўлса, тегишли ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар ва уларнинг вакилларини қабул қилишда асосий тартиб ишлаб чиқилган бўлиши кераклиги, қабулга келганлардан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, асосли ҳужжатлар сўралиши, қабул графиги стендларга осилган, электрон шаклда жойлаштирилган бўлиши, қабул рад этилиши, видео ва аудио орқали ёзиб олиниши мумкинлиги ҳамда шахсларни камситишга йўл қўйилмаслиги ҳам айтиб ўтилди.

Қонуннинг эътиборга молик жиҳатларидан бири, бу жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларига муносабатидир.

Муурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилиши кафолатланади;

муурожаатлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт, фақат аноним муурожаатлар, вакилларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, қонун талабларига мувофиқ бўлмаган муурожаатлар кўриб чиқилмайди;

қонунлар талабларига риоя этиш, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиши кафолатланади;

муурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатланиши шарт;

жисмоний ва юридик шахслар-

нинг муурожаатлари муносабати билан уларнинг хавфсизлиги кафолатланади.

Маърузачи муурожаат бериш тартиби ва муддатлари ҳақида гапириб, уни почта орқали ёки электрон шаклда юбориш, муурожаатга уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилиниши мумкинлигини, мазкур ҳужжатлар қайтарилмаслигини, муурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмаслигини, айрим ҳолларда, муурожаатчи манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилишини, ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланишини алоҳида тилга олди.

Аввалги қонунда кўрсатилганидек, муурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари ҳам қонунда қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. *Мажбурият юклатилган мансабдор шахс кўриб чиқади.*

2. *Тегишли бўлмаса, 5 кунда тегишлилиги буйича юборилиши шарт, бу ҳақда муурожаат этувчига ёзма хабар берилади.*

3. *Заруратга қараб, маълумот сўрайди, 10 кунда жавоб олиш керак.*

4. *Муурожаатчи иштирокида ёки усиз кўриб чиқиши мумкин.*

5. *Муурожаатга жавобни раҳбар ёки унга ваколатли шахс имзолаши мумкин.*

6. *Юридик шахсларни текшириш зарурати туғилса, руҳсат билан текширилиши мумкин.*

7. *Муурожаатчи хоҳлаган пайтда қайтариб олиш ҳуқуқига эга.*

Муурожаатлар учун белгиланган муддатлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра:

муурожаатларни кўриб чиқиш муддати 15 кун;

ариза ва шикоятни ўрганишга қўшимча ўрганиш талаб қилинса, 1 ой;

текшириш керак бўлса, яна узоғи билан фақат раҳбарнинг розилигига кўра, узоғи билан 1 ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаатчига хабар берилади;

тақлифларга 1 ойда жавоб берилиши керак. Қўшимча ўрганишлар талаб қилинса, 10 кун ичида хабар берилади.

Муурожаатчилар ҳуқуқлари, қўлланиладиган чора-тадбирлар, давлат органларининг мажбуриятлари, умумлаштириш ва таҳлил буйича:

ахборот олиш, адвокат жалб қилиш, қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш, тушунтиришлар бериш, материаллар билан танишиш;

қонунбузарликларга барҳам бериш, тезда аниқлаш ва зарур чора-тадбирлар кўриш, муурожаатчини ва улар оила аъзоларини таъқиб қилишдан ҳимоялаш;

қайси тилда муурожаат бўлса, шу тилда дарҳол жавоб бериш, жавобга рози бўлмаса, юқори турувчи органга ёки судга муурожаат этиш ҳуқуқини тушунтириш, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш чораларини кўриш;

муурожаатлар йилига камида бир марта умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

Маърузачи муурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб, қуйидагиларга тўхталиб ўтди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек тўхтаб ва ҳақоратдан иборат муурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Била туриб ёлғон маълумотлар баён этилган муурожаатларни кўриб чиқишда қилинган харажат-

ларнинг ўрни суд томонидан айбдордан қопланади.

Низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 40-41-моддаларига асосан, тўхтаб ва ҳақорат учун ва 43-моддасига асосан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликларини учун мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят кодексининг 139-140, 141, 144 ва 158-моддаларига асосан, айбдорлар жиний жавобгарликка тортиладилар.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров ҳам сўзга чиқиб, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган нормаларни ҳаётга чуқур татбиқ қилиш, шу билан бирга унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш муҳимлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада аввало ва-зирликнинг раҳбар-ҳодимлари олдидаги масъулият нечоғлик катта эканлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам қонуннинг ижросини мукамал таъминлаш, унинг ижро механизмини мустаҳкамлаш масаласида қатъий қарор қабул қилиниши алоҳида таъкидлаб, бу борада аввало ва-зирликнинг раҳбар-ҳодимлари олдидаги масъулият нечоғлик катта эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам қонуннинг ижросини мукамал таъминлаш, унинг ижро механизмини мустаҳкамлаш масаласида қатъий қарор қабул қилиниши алоҳида таъкидлаб, бу борада аввало ва-зирликнинг раҳбар-ҳодимлари олдидаги масъулият нечоғлик катта эканлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида ҳам қонуннинг ижросини мукамал таъминлаш, унинг ижро механизмини мустаҳкамлаш масаласида қатъий қарор қабул қилиниши алоҳида таъкидлаб, бу борада аввало ва-зирликнинг раҳбар-ҳодимлари олдидаги масъулият нечоғлик катта эканлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда иштирок этган вазирликнинг Марказий аппарати ходимлари Қонунда белгиланган моддалар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган қонунлар инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларига қаратилган экан, бу борада ҳар биримиз қонун устуворлиги ва унинг амалдаги ижросига бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Хурматли муштарийлар!

Сизга маълумки, расмий веб-сайтимиз (www.uzssgtz.uz) фаолият бошлагандан буён доимий равишда газетадаги мақолаларни интернет саҳифаларида эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш ва-

зирлигининг барча буйруқ ва меъёрий ҳужжатлар матнини «Расмий ҳужжатлар» бўлиmidан топиш имкониятига эгасиз. Бундан ташқари, сизда тахририят билан яқин ҳамкорлик қилиш ис-таги бўлса, info@uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.

Азиз газетхон!

Агар Сиз обуна бўлган ҳудудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг қуйидаги рақамларига муурожаат қилишингиз мумкин:

(8371) 233-13-22, 233-57-73.

Дил изҳори

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Бир неча йилдирки, қандли диабет касаллигидан азият чекиб келаман. Шу боис, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг 1-диабетиология бўлиmidа даволанаман. Бўлимдаги хоналарнинг озодалиги, саранжом-саришталиги, шифокору ҳамшираларнинг хушмуомаласи мени жуда хурсанд этади. Яқинда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасини ўқиб қолдим. Менга айниқса, беморларнинг шифокорларга билдирган самимий тилаклари маъқул бўлди. Шунча йиллардан бери касаллик билан курашиб, оқ халатли меҳрибонларимга бирон марта ҳам миннатдорлик сатрларини битмаган эканман. Саломатлигим тикланишида ўзларининг бор билимларини аямай, меҳр кўрсатган ўз касбининг моҳир усталари Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саидғаниҳўжа Исмоиловга, даволаш ишлари буйича бош шифокор Феруза Хайдаровага, 1-диабетиология бўлими мудираси, тиббиёт фанлари номзоди Нигора Мақсудовага самимий миннатдорлигимни билдираман. Уларга қўлларингиз асло дард кўрмасин дея, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайман.

Шаҳодат НИГМАТОВА,
Тошкент шахри.

РАҲМАТ СИЗГА, АЗИЗЛАРИМ!

Дунёдаги касблар орасида шифокорлик энг масъулиятли ва шарафлидир. Бу соҳа эгаларига Оллоҳ томонидан иқтидор берилганки, касаллик туфайли умидсизликка тушган инсонларга наҳот бахш этадилар. Ана шундай инсонлардан бири Қашқадарё вилояти сил касалликлари шифохонасининг суяк сили бўлими бошлиғи, тажрибали шифокор Фиёсиддин Ражабовдир. Кўп йиллар давомида суяк сили касаллиги билан даволаниб келмоқдаман. Шифокорларнинг тавсияси билан операция ўтказилиши муҳимлиги айтилди. Ўз касбининг етук билимдони Фиёсиддин Ражабов раҳбарлигида мени операция қилишди. Айниқса, бўлимдаги шифокор ва ҳамшираларнинг самимий, меҳрибон ва хушмуомалаликлари тузалиб кетишингизга ишонч уйғотади. Муваффақиятли ўтказилган операциядан сўнг ўзим бемалол юра бошладим ва оилам, фарзандларим, ота-онам бағрига қайтдим. Мени соғлом ҳаётга қайтарган азиз халоскорим – Фиёсиддин Ражабов ва унинг аҳил жамоасига ўзим, оила аъзоларим номидан чексиз ташаккуримни билдираман. Халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган савобли ишларига ривож тилаб, ўзларига мустаҳкам соғлиқ ёр бўлишини истаб қоламан.

Соҳиба ТИЛЛАЕВА,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шахри.

Узлуксиз касбий таълим

МУАЙЯН ЙЎНАЛИШ ВА МАҚСАДЛАР ЗАМИРИДА

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУҲИМ ОМИЛ ҲИСОБЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ташаббуси билан ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбар-ҳодимлари, шунингдек, мамлакатимиздаги даволаш-профилактика муассасалари бош ва катта ҳамширалари малакасини ошириш курсидаги таълим жараёнлари фаолиятдаги ҳар бир раҳбарнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Институтнинг соғлиқни сақлаш ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида ҳар йили тингловчилар вазирлик ҳамда институт ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида зарурий маълумотларга эга бўлмоқдалар. Уларга тажрибали профессор-ўқитувчи-

соғлиқни сақлаш бошқармалари ва республика даволаш-профилактика муассасалари бош ҳамширалари малака ошириб қайтдилар. Режа асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурларини соҳанинг тажрибали мутахассислари ҳамда вазирлик ходимлари олиб бордилар. Бунинг баробарида бош ҳамширалар назарий

салалари бўйича маърузалар ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида ҳамширалик ишининг таҳлилий натижалари, 2014 йил режасининг бажарилиши ва 2015 йил режалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, тингловчилар Республика ОИТС маркази ва унинг клиникаси, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва бошқа муассасаларда бўлиб, иш фаолиятлар билан танишиб, бош ва катта ҳамшираларнинг ишини ташкил этиш, ҳужжатларни тўғри юритиш каби масалалар бўйича тажриба алмашдилар.

Ўқув курси давомида ҳамширалик ишида қўлланиши муҳим бўлган кўникмаларни олган ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятида меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри юритиш, вазирликнинг буйруқлари асосида иш олиб бориш ҳамда этика ва деонтология қоидаларига қатъий риоя қилиш билан бирга жойларда олган билимларини татбиқ этидилар, деб умид қиламан.

Роза МИШЕНОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг
ҳамширалик иши бўйича
бош мутахассиси:

– Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида ташкил этилган мазкур ўқув курси ҳамширалар касбий маҳоратини ошириш билан бирга иш жараёнида фаолиятни ташкиллаштириш, молиялаштириш ҳамда бошқаришда қўл келмоқда. Ҳар йили ишлаб чиқилаётган ўқув дастурлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Тиббиёт ходимининг асосий вазифаси халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Кўп йиллик мутахассис сифатида айтмоқчиманки, тиббиёт муассасаларидаги 90 фоиз иш ҳамширалар зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳамшира билан мидон, зукко, чакқон, хушмуомала ва масъулиятли бўлиши зарур. Бундан ташқари, улар ўз вақтида малакасини ошириш билан бирга тоифа даражасига эга бўлишлари бугуннинг асосий талабига айланмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган узлуксиз касбий таълим курслари тизимда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Икки ҳафталик ўқув курсида танлаб олинган барча мавзулар ҳамширалик иши асосини ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари А. Агзамов, Д. Турсунова, Н. Бердиев, Ю. Одилова ва бошқалар томонидан тиббиёт

муассасаларида санитария қоидаларига риоя қилиш, эмлаш ишларига эътибор қаратиш, дори-дармонларни рўйхатга олиш ва унинг ҳисоботини юритиш, қишлоқ врачлик пунктларида патронаж ҳамшираларнинг ишини ташкиллаштириш каби маърузалари тингловчилар учун дастуриламал вазифасини ўтайди. Шунингдек, пойтахтдаги бир қанча шифо масканларида бўлиб, фаолиятимизда қўлланиладиган зарурий манбаларга эга бўлдик. Ўқиш давомида бизларни турар-жой билан таъминлаб, барча шароитларни яратиб берган мутасадди раҳбарларга ўз миннатдорлигимизни билдираман.

Ҳар бир бўлимлардаги иш жараёнлари билан танишиш чоғида замон талабларига жавоб бера оладиган замонавий апаратуралар, айниқса, палаталарнинг бежиримлиги, шифокор ва ҳамшираларнинг билим ҳамда тажрибаси диққатимизни ўзига тортган бўлса, лаборатория бўлимидаги сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги тингловчиларни бефарқ қолдирмади. Шу билан бирга, марказда тажрибали шифокорлар томонидан долзарб мавзудаги маърузалар тингланди. Шунингдек, Республика ОИТС марказида бўлиб, малакали мутахассислар томонидан ОИТС касаллиги ва унинг ол-



Анифе ЖИКИНА,
Фарғона вилояти
соғлиқни сақлаш
бошқармасининг
ҳамширалик иши бўйича
бош мутахассиси:

– Икки ҳафталик ўқув курсидан иш жараёнларимизда муҳим бўлган назарий ва амалий билимларга эга бўлиб, ўқув дастурларига киритилган ҳар бир мавзу доирасида ҳамширалик ишининг ўзига хос томонлари борлигини ва келгусидаги ишларимизга асос бўладиган муҳим топшириқларни олдик. Дарс машғулотларимиздан ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар ва вилоятлар бош ҳамшираларининг ҳамширалик иши бўйича олиб борган тақдиротлари барчамиз учун қизиқarli бўлди. Чунки ҳар бир ҳудуднинг иш жараёнида маълум бир ўзгаришлар, янгиликлар борлигини кўрдик. Бундан ташқари, кенг доирада ташкил этилган Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказига таширифимиз ушбу шифо масканидаги фаолиятлар жаҳон стандартлари даражасида олиб борилаётганлигини кўрсатди.

дини олиш ҳамда шифохона ичи инфекциялари профилактикаси тўғрисида чуқур маълумотларни олдик.

Ўқув курси давомида вазирликнинг барча мутахассислари иштирокида олиб борилган маърузаларнинг долзарблиги ҳамширалик ишини бошқариш билан бирга фаолиятни ташкиллаштиришда асосий ўрин тутушига ҳам алоҳида урғу қаратилди. Соғлом ва узоқ умр кўриш инсониятнинг азалий орузи бўлиб келаётганлигини барчамиз яхши биламиз. Шу боис, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи шахсан мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида давлатимиз сиёсатида марказий ўрин эгаллаб келмоқда ва истиқлол шарофати билан ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шундай экан, биз ҳамширалар фаолияти учун барча шароит ва имкониятлар борлиги ҳамда Юртбошимиз томонидан меҳнатимиз қўллаб-қувватланаётганлиги бизни янада шижоат билан ишлашга ундайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, "Саломатлик-3" ҳамда бир қанча жамоат ташкилотлари томонидан узлуксиз таълим жараёнлари давом этаётганлиги, бу албатта кадрлар салоҳиятини ошириш билан бирга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ибодат СОАТОВА.

лар, вазирлик мутахассислари нафақат касбий фаолият, балки соҳага оид Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари ижроси ҳамда уларнинг мазмун ва моҳияти бўйича дарс машғулотлари олиб бормоқдалар.

Шу ўринда айтиш жоизки, тиббиёт фани ўзининг кўп қирралиги билан мутахассисни ўз устида доимий ишлашга, малака оширишга, излаш ва янгиликлардан боҳабар бўлишга ундайди. Дарҳақиқат, Соғлиқни сақлаш ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедрасида соҳа мутахассислари малакасини ошириш ана шундай эзгу ниятларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

2002 йилдан бошлаб кафедра қошида даволаш-профилактика муассасаларининг бош ва катта ҳамширалари учун малака ошириш курси давом этиб келмоқда. 2015 йилнинг 12-24 январь кунлари ушбу кафедрада Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоятлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

билим олиш билан бирга тиббиёт муассасаларида амалиёт ўтадилар. Икки ҳафта давом этган ушбу ўқув жараёнларига янада ойдинлик киритиш мақсадида профессор-ўқитувчилар, вазирлик мутахассислари ҳамда тингловчилар билан суҳбатда бўлдик.

Рихси САЛИХОДЖАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
бош мутахассиси:

– Мана, 12 йилдирки, Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси қошида ташкил этилган бош ва катта ҳамширалар малакасини ошириш ўқув курси иш юритмоқда. Ҳамкорликда тузилган ўқув дастурларидан энг долзарб мавзулар ўрин олган бўлиб, машғулотлар назария ва амалиётнинг узвий бирлигида олиб борилмоқда. Икки ҳафта давомида тингловчилар куннинг биринчи ярмида ўқиш жараёнларида қатнашиб, куннинг иккинчи ярмида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, етакчи мутахассислари иштирокида вазирлик буйруқ ва кўрсатмаларининг ижросини жойларда таъминлаш, даволаш-профилактика муассасаларида санитария-эпидемиология масалалари, ҚВПларида патронаж ҳамшираларнинг ишини ташкил этиш, ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ма-

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

Хотим выразить искреннюю благодарность директору Республиканской онкологической больницы города Ташкента С. Наврузову, а также руководителю гинекологического отделения профессору Н. Юлдашеву и главному коор-

динатору З. Махмудову за высокий профессионализм, который они передают молодым специалистам, делятся своим

бесценным опытом. Также выражаем отдельную благодарность заместителю главврача О. Ахмедову, который внес ог-

ромный вклад для развития гинекологии в республике и вкладывает свои знания и душу в любимое дело. Также огромное

спасибо врачам Н. Умаровой и В. Наврузовой за высококвалифицированное лечение и надежду, которую они вселяют в нас.

Н. ШТУКАТУРОВА,
Т. ПАХОМОВА,
г.Ташкент.

Мутахассис маслаҳати

ГЛАУКОМАНИНГ ХАВФЛИ ОМИЛЛАРИ

Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири глаукома бўлиб, у кўз ички босимининг барқарор кўтарилишига олиб келиши билан хавфлидир. Оғир офтальмологик касаллик асорати туфайли киши меҳнат қобилиятини йўқотиши, ногиронлик ва кўрликка олиб келиши ҳақида кўпчилик билмаслиги мумкин. Аини пайтда глаукомага чалинган киши жамиятдаги оғриқли муаммога айланиб, унинг ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига қўшаётган ҳиссасини камайтиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, ер юзиде 62 млн. киши кўзи ожиз бўлиб, шундан 19,2 фоизини глаукома ташкил қилади. Ушбу статистик маълумот офтальмологлар олдига кўз касалликларига аниқ ташхис қўйиш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш вазифасини қўяди.

Дарҳақиқат, ёш катталари билан глаукома касаллигининг намоён бўлиш ҳолатлари кўпаяди, яъни 40-49 ёшда 0,1 фоиз, 60-69 ёшда 2,8 фоиз, 80 ёшдан ошганда 14,3 фоиз учраши кузатилмоқда. **Хўш, глаукоманинг ўзи нима?** Бу касаллик турли хавф омиллари таъсирида юзага келадиган глаукоматоз зарарланиш билан боғлиқдир. Тиббиёт амалиётида унинг икки тури фарқланади: очик бурчакли глаукома кўпроқ 40 ёшдан ошган эркекларда учраса, ёпиқ бурчакли тури 50-75 ёшли аёлларда кўпроқ қайд этилмоқда. Баъзан эса болалар орасида туғма глаукома ҳам учраб турадики, бу кўзи ожиз болаларнинг 10-12 фоизига тўғри келиши мумкин.

Инсоннинг борлиқ-оламни кўриш жараёни бир неча босқичда амалга оширилади: нур кўзга тушади, тўр парда нурни нерв импульсларига айлантиради, сўнгра уларни мия қайта ишлайди. Нур тўр парданинг

кўрув рецептори – таёқча ва колбачалар ёрдамида қабул қилинади, маълумот ўз навбатида тўр пардадаги ганглиоз ҳужайралар ва уларнинг ўсимталари (аксонлар)га етказилади. Нерв импульси шаклидаги тўлиқ кўрув маълумоти кўрув нерви орқали мия пўстлоқ қисмининг кўрув соҳасига узатилади. Тўр парданинг ганглиоз ҳужайралари аксони кўрув нерви дискига йиғилгач (кўрув нерви сўргичи), бу ердан кўрув жараёни бошланади. Кўрув нерви кўзни мия билан боғлайди. У фақат аксонлардан иборат. Глаукомада нерв ҳужайралари ва нерв толалари вақт ўтиши билан нобуд бўлади. Бунинг оқибатида кўриш акти учун зарур бўлган кўз ва мия ўртасидаги боғлиқлик аста-секин бузилиб боради. Кўз нурни кўради, лекин маълумот мияга қадар етиб бормайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, глаукоманинг юзага келишида бир неча хавф омиллари мавжуд: кексалик, ирсийлик, жинс, артериосклероз, яқин ва узокдан кўришнинг бузилиши.

Глаукомани эрта аниқлаш уни даволашда энг муҳим босқичдир. Баъзи беморлар ўзида суррункали глаукома давом этаётганини узок вақт давомида сезмайди. Биринчи маротаба кўзни текширтириш учун мутахассис-шифокорга мурожаат қилганида унинг кўрув майдонининг қанча қисми йўқолгани аниқланиши мумкин. Ёпиқ бурчакли ва

ўткир глаукома хуружида вазият бошқачароқ кечади. Кўрув ички босимининг бирдан ва кескин ошиши натижасида бош оғриғи, кўнгил айнаши, қусиш, кўришнинг бузилиши, кўрув органлари қизариши кузатилади.

Кўпчилик кишиларни кўз симптомлари безовта қилмайди ва кўзларида ҳеч қандай муаммо йўқдай туюлади. Агар аввалги авлодлари ва оила аъзолари орасида глаукома билан касалланган беморлар йўқ бўлса, уларга 40 ёшида биринчи тор доирадаги шифокор кўригиде бўлиш тавсия қилинади. Баъзи симптомларни бошидан кечираётган ёки оиласида глаукома билан касалланган беморлар бўлса, улар кўрикка эртароқ боргани маъқул.

Дунёнинг барча мамлакатларидаги сингари юртимизда ҳам кўз касалликларини аниқлаш, даволаш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Айнан кўз касалликларига ихтисослаштирилган марказлар фаолият кўрсатмоқда, хасталикни даволашда қўлланилаётган технология ва асбоб-ускуналар ривожланган давлатларникидан қолишмайди. Глаукомани ташхислашда анъанавий офтальмологик текширув кўриш ўткирлигини аниқлаш, кўз ички босимини ўлчаш, биомикроскопия, офтальмоскопия, кўриш майдонини аниқлаш, гониоскопия, тонография текширувларидан ташқари, махсус ультратовуш биомикрос-



копияси, пневмотонометрия, оптик когерент томография, компьютер периметрия, доплерография технологиялари жуда кўл келмоқда.

Касалликнинг олдини олиш ва даволашда глаукоматоз шикастланишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда бир-бирини тўлдирувчи уч хил назарий усул бор: **биринчиси** КИБ (кўз ички босими) пасайиши ва турғунлаштириш, **иккинчиси** кўзда қон айланиши яхшиланиши ва турғунлаштириш, **учинчиси** нейропротекция, яъни ҳужайраларни шикастланиш механизмидан сақлаш.

Кўз ички босими дори воситалари, лазер нури, жарроҳлик йўли билан пасайтирилади. Қайси усулни танлаш врач тавсиясига биноан бўлиб, бемор кўзининг ҳолати, глаукома қайси шаклда эканлиги, КИБнинг дори воситаларига қай даражада сезгирлиги, кўриш функцияларининг ҳолатига боғлиқдир. Хўш, глаукомага учрашмаслик ва унинг олдини олиш мумкинми?

Қаҳва, чой истеъмол қилингандан кейин бир соат мобайнида КИБ нисбатан ошади. Глаукомали бемор бирданига кўп суюқлик ичмасдан, балки кун мобайнида чой, шарбат, қаҳва ичиши тавсия этилади. Спиртли ичимлик ва чекиш барча касалликлар қатори глаукомада ҳам салбий роль ўйнайди.

Сув остида сузиш, самолётда учиш, мусика асбобини пуфлаб чалиш КИБни нисбатан оширса, саунада аксинча ҳолат кузатилади. Ҳар қалай эҳтиёткорлик яхши. Глаукомага чалинган бемор доимий жисмоний ҳаракатда бўлиши, вақтида дам олиши, кўзни равшанлаштириш хусусиятига эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши ва уйқуга аҳамият бериши керак.

Олимжон АШУРОВ,
Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси кўз микрожарроҳлиги бўлими шифокори.

Долзарб мавзу

КАШАНДАЛИК ИНСОН САЛОМАТЛИГИ КУШАНДАСИ

Статистик маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг 1,5 миллиарддан ортиги тамаки чекишга ружу қўйган. Бу ҳолат чекиш оқибатида ривожланадиган турли касалликлар авж олишига олиб келади. Ҳар йили 6 миллиондан ортиқ одам тамаки чекиш туфайли, унинг асоратлари туфайли оламдан ўтади. Агар тамаки чекишга бўлган муносабат ва чекишнинг тарқалиши шу тарзда давом этса, 2030 йилга келиб, ҳар йили айнан чекишдан 10 миллион киши эрта ўлимга дуч келади.

Тамаки – ўсимлик бўлиб, унинг тутуни таркибида 4200 дан ортиқ турли моддалар мавжуд, уларнинг 200 дан ортиғи инсон организми учун хавфлидир. Ушбу моддалардан никотин, қора қурум, ис газини энг зарарли ҳисобланади. Одам организмининг захарловчи ва саломатлигига путур етказувчи хусусиятга эга бўлганлари тамаки тутуни таркибидаги радиоактив моддалар ва оғир металллардир. Тамаки чекувчи кашандаларда ушбу зарарли бирикмалар бронхлар, ўпка, жигар ва буйрақларда йиғилади. Кашандаларда ўпка, қизилўнғач, ошқозон, ҳалқум, буйрақлар ва пасти лавнинг хавфли ўсмалари ривожланиши чекмаган кишиларга нисбатан 20 марта кўп учрайди. Одам қанчалик узок муддат кўп миқдорда чекса, унда айнан ушбу касалликлардан вафот этиш эҳтимоли юқори бўлади.

Никотин – тамаки тутунидаги захарли таъсирнинг 4 дан 3 қисми никотинга тўғри келади. Бу ёғсимон тиник, ўткир

ҳидли ва аччиқ ўювчи таъмга эга бўлган суюқликдир. Никотин гёҳванд модда бўлиб, одамда тамаки чекишга бўлган қарамлик ривожланишига олиб келадиган энг хавфли ўсимлик захари ҳисобланади. Никотиннинг 50-100 мг. ёки 1-2 томчиси ўлимга олиб келади, худди шундай миқдорни одам 20-25 дона сигарет чекканда олади. Бироқ, одам бу билан ўлиб қолмайди. 30 йилдан бери чекиб келётган одам тахминан 200 мингта сигарет харид қилади ва 800 гр. никотинни ютади, бу эса бевосита унинг саломатлигига тузатиб бўлмайдиган зарар етказилади.

Никотин организмга тамаки тутуни орқали киради, унинг зарарсизланиши жигар, ўпка ва буйрақларда кечади, тамаки чекишдан сўнг парчаланган моддалар организмдан 10-15 соат ичида ажралиб чиқади.

Тамаки чекишнинг одам организмига салбий таъсирлари куйидагилардан иборат:

- одам организмда бирор-та аъзо ёки тизим йўқки, тамаки тутуни ва унинг таркибидаги

моддалар ўз таъсирини кўрсатмаса;

- никотиннинг зарарли томони марказий асаб тизимига салбий таъсир этиб, доимий равишда таранглашган ҳолатда туради, натижада мия фаолияти учун зарур бўлган қон ва кислород билан кам миқдорда таъминланади. Шунинг учун ашаддий чекувчиларда ақлий меҳнат қобилияти, хотира ва ирода каби сифатлар сусайиб боради.

Шу ўринда етакчи рус шахматчиси А. Алехиннинг куйидаги фикрлари чекишни бошламоқчи бўлаётган ёшларга ибрат бўлади: **“Фақат чекишни ташлаганимдан сўнг ўзимга бўлган ишонч ва тафаккуримнинг тиниқлиги менинг чемпион бўлишимга ёрдам берди”.**

- Кашандалар ўта тажанг, жаҳлдор бўлиб, уйқуга кетишга қийналадилар. Улар бошларининг қаттиқ оғришидан азоб чекадилар;

- нафас йўлига тушган тамаки тутуни нафас йўлларидаги суррункали яллиғланиши, тез-тез шамоллаш, грипп, ангина ва инфекцион касалликлар оғир ўтишига олиб келади;

- мунтазам чекувчи одамларнинг қон айланиши тизимида қатор касалликлар ривожланади: қон босими кўтарилиши, мия қон айланиши ва юрак фаолияти бузилишига ҳатто миокард инфарктига ва бош мия инсультига олиб келади;

- кашанда оғзидан қўланса хид келиб, тил кулранг қараш билан қопланади, ошқозон-ичак тизими фаолияти нотўғри ишлай бошлайди. Никотин сўлак безларини таъсирлаши оқибатида сўлак ажралиши кўпаяди. Кашанда ажралган сўлакнинг бир қисмини ичига ютади, бу эса ўз навбатида никотиннинг ҳазм тизимига ножўя таъсирини оширади. Шунинг учун чекувчиларда ошқозон ва 12 бармоқ ичак саратонини чекмайдиганларга нисбатан кўпроқ учрайди;

- оғиз бўшлиғида ҳам кўпгина патологик ҳолатлар учрайди: тиш эмали емирилиши, кариес ва тишларни сариқ қараш қоплаши, милклар бўшашиб қонаши кузатилади;

- тамаки чекиш эркекларда жинсий ожизликка ҳам олиб келади;

- ҳомиладор аёл чекса, бу ҳомилага зарарли таъсир этиб, бола она қорнида нобуд бўлиши, чала туғилиши, тана вазни паст бўлиши ва ҳар хил турдаги касалликларга берилувчанлиги кузатилади.

Тамаки тутунининг 25 фоизи кашанда ўпкасига тушади, қолган 75 фоизи атроф-муҳитга тарқалади ва бошқа кишиларни захарлайди бу “пассив чекиш” дейилади. “Пассив чекиш”нинг хавфи ёпиқ биноларда янада ортади ва чекмайдиган инсонлар ушбу тутунни ичига ютиши оқибатида бир неча сигарет чеккан кишига тенглашади. Агар, оилада битта киши сигарет чек-

са, оила аъзолари гўё 10 дона сигарет чеккандек бўладилар.

Кашандалик хулқ-атворнинг оғир бузилган кўринишларидан бири бўлиб, одам ўзини секин-аста эрта ўлимга тайёрлаб боради. Ҳар бир инсон чекиш урф эмаслиги ва унинг умуман фойдаси йўқлигини чуқур тушуниб етиши лозим.

Тамаки чекишга қарши курашни унинг саломатликка кўрсатадиган зарарли таъсирини кичик мактаб ёшидан бошлаш лозим. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассислари, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг жойлардаги филиаллари ва саломатлик марказлари, даволаш-профилактика муассасаси врачлари, ўрта тиббиёт ходимлари томонидан мактаб, лицей, коллеж, институт, маҳалла, оилаларда чекишнинг инсон саломатлигига зарари ҳақида давра суҳбатлари, учрашувлар олиб борилмоқда ва ушбу мавзуга оид кўргазмалар ахборот материаллари аҳоли кенг қатламига тарқатилмоқда. Зеро, ҳар бир инсон ўз саломатлигига ўзи масъул эканлигини унутмаслиги, доимо соғлом турмуш тарзига риоя этиб, умр кечириши лозим.

Насиба АКРОМОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олий тоифали шифокори.

Мутахассис маслаҳати

МУОЛАЖАНИНГ ҚАДИМИЙ ВА БЕЗАРАР ТУРИ

Иссиқ жоннинг иситмасига дуч келганда, шифокорга мурожаат қилувчи бемор учун турли муолажа усуллари буюрилади. Касаллик тури, бемор организмдаги ўзига хос патологик ўзгаришларни аниқлаган шифокор унга турли дори-дармонлар ва антибиотиклар рўйхати – рецепт ёзиб беради. Ҳозирги вақтда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари томонидан антибиотиклардан имкон қадар воз кечиш, беморнинг табиий имкониятлардан фойдаланиш, дарддан фориғ бўлиши бўйича турли таклифлар бермоқда. Энг қадимий ва инкор қилиб бўлмайдиган даволаш усулларида бири нуқтали ўқалашдир. Муолажанинг бу тури ҳақида айнан шу йўналишда фаолият кўрсатаётган мутахассислар каби барчамиз кўп нараса билмаймиз. Аксарият ҳолларда ўқалаш санаторий-курорт тизимига кирувчи даволаш муассасаларида қўлла-нилади. Мамлакатимизнинг водий вилоятларидан бири – Наманганинг “Чортоқ” санаторийсида ҳам дам олувчилар учун ўқалаш муолажаси буюрилади. Санаторийда 25 йилдан бери дам олувчиларга хизмат қилиб келаётган олий тоифали ҳамшира Санам Абдуллаева ушбу ўқалаш турининг ўзига хос хусусиятлари хусусида шундай ҳикоя қилади:

